



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (12.415)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Бандлик» дастури

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЎЗ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШАДИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркада алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи 40 дан зиёд корхоналар, шунингдек, давлат органлари вакиллари, бундан ташқари иш изловчи сифатида нафақат талабалар ва ОУЮ битирувчилари, балки касб-хунар коллежлари ва лицейлар ўқувчилари ҳам қатнашди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад компания ва ташкилотлар томонидан АКТ кадрлари жалб этиш имкониятини яратиш, шунингдек, ёш мутахассисларга ишга жойлашишда кўмак беришдан иборат.

Биз бир неча йилдан буён битирувчилар учун ташкил этиладиган бундай бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этиб келамиз, — дейди «Ўзбектелеком» АК «Бош коммуникация маркази» филиали ходимлар бўлими бошлиғи Шохиста Раҳматуллаева. — Ярмаркада иштирок этаётган битирувчилар белгиланган талабларимизга мос келса уларга йўланма берилади. Шу йўланма орқали улар корхонага боришади, иш билан таъминланишади.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг АКТ бўлинмалари, шунингдек, давлат, ҳўжалик бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг АКТ бўйича махсус бўлинмаларидаги раҳбар ва мутахассис вазифаларига номзодларни кўриб чиқиш учун маълумотлар базаси шакллантирилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Элбек Далимов. — АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга масъул давлат органларининг ихтисослаштирилган тузилмавий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, ярмаркада ушбу бўлинмалардаги бўш иш ўринлари ҳам тақдим этилди. Таъкидлаш жоизки, ярмаркаларда йўланма орқали ишга жойлашган ёш мутахассислар ҳозирга кунда соҳанинг турли хил ташкилотларида фаолият олиб боришмоқда.

Ярмарка талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг бирини сўхбатга қорладик.

— Мазкур ярмаркада мавжуд бўш иш ўринлари билан танишиб чиқдим, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университети 3-босқич талабаси Маъруф Жумамуродов. — Электромагнит мослашув маркази менда қизиқиш уйғотди. Университетни битиргач шу соҳада фаолият юритишни режалаштирдим.

— Ярмаркада ахборот технологиялари йўналиши бўйича 10 дан ортиқ бўш иш ўринларини тақдим этмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ахборот ресурсларини юритиш ва давлат интерактив хизматлари бўлими бошлиғи Олимжон Талипов. — Дастурий таъминот бўйича 1-тоифали мутахассислар, етакчи мутахассислар ва бўлим бошлиғи ҳамда бўлим бошлиғи ўринбосари бўш ўринлари шулар жумласига киради. Уларга қўйиладиган асосий талаб маълумотлар базаси билан ишлай билиши, билими ва кўникмага эга бўлишидир. Талабалар асосан ахборот хавфсизлиги йўналишига қизиқишмоқда. Қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ходимлар малакали кадрлар ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош қотибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май кuni Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги конвенция, шартнома ва битимларга қўшилган ҳамда бу борада ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўтган мулоқотда меҳмонларга мамлакатимиз ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари тизими, ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифининг мантикий давоми бўлган ушбу ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишишдан иборат, — деди Иван Симонович. — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш, жумладан, соҳада турли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Шу кунги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судида ҳам бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича яратилган миллий институтлар тизими, соҳадаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба-ёшларининг Бухорода ўтказиладиган «Универсиада – 2013» спорт мусобақалари арафасида Бухоро давлат университети ва Бухоро муҳандислик-технология институтида янги спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● Наманганда «Мутахассислик — сенинг келажагинг» шиори остида кўргазмали тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдан иборат.

● Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида «Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг аҳамияти» мавзусида амалий семинар ҳамда битирувчиларни ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

● Гулистон шаҳрида коллеж ва лицей битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, бандлик-қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида юзга яқин ёшлар ишга жойлашиш учун йўланма олди.

ЖАҲОНДА

● Германия пойтахти Бонн шаҳрида атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган конференцияда иштирок этган олимлар агарда сувни ифлослантириш шу даражада давом этса яна бир ёки икки авлоддан кейин ер қуррасидаги кўпчилик кишилар ўткир ичимлик суви етишмовчилиги муаммосига дуч келадилар, дея таъкидлашди. Конференция делегатларининг маълумотларига кўра, ҳозирнинг ўзида ер юзидаги етти миллиардлик аҳолининг учдан бир қисми учун ичимлик суви истеъмоли чегараланган.

● Шимолий Американинг Техас штатидаги Сан-Антонио шаҳрида кучли ёмғир ёғиши натижасида рўй берган сув тошқинлари икки аёлнинг ҳаётига зомин бўлди, 130 киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

● Франция божхоначилари Европа Иттифоқи тарихида қалбаки дориларнинг энг йирик туркумини мусодара этдилар. «Франс-Пресс» агентлигининг маълумотларига қараганда, 1,2 миллион дона ушбу қалбаки аспирин хапдорилари Хитойда тайёрланган бўлиб, мазкур мамлакатдан Гавр портига келган қуруқ чой ичига яширилган экан.

● Кейинги икки кун давомида Ироқнинг Бағдод шаҳрида кетма-кет террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди — 14 та миналаштирилган автоташналар ва иккита бомба портлатилди. Ҳозирча ушбу терактларни амалга оширганликни ҳеч қандай ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.

● Япония Бирма маъмурларининг деярли икки миллиард долларлик қарзидан воз кечганлигини тасдиқлади. Токио шунингдек, Бирма иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун яна кўп кредитлар ажратишга ваъда берди.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди раиси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

расида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Ташриф асосида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизimini эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчил олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлди, — деди Янг Син Тэ. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мунтазам тажриба алмашиб туришдан манфаатдоримиз.

Музокарада икки мамлакат суд идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари,

алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги Корея Республикаси Олий суди раиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокаралар ўтказди.

Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш

бошқармасида «Қўриқлаш ташкиллаштиришдаги долзарб масалалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** «Тошкентленд» болалар истироҳат боғида

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ташкил этилади.

✓ **БУГУН** Яққасарой туманида жойлашган 144-умумтаълим мактабда битирувчи «Камолот» сардорлари учун «Биз ҳаммаша биргамиз, «Камолот» шиори остида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда 28-31 май кунлари мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2013» VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2013» II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади.

Бугун юртимиз бозорлари, савдо шохобчалари мамлакатимизда қайта ишланган мева, гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўла. Бу қишлоқ хўжалигига илғор технологиялар кенг татбиқ этилаётганининг самараларидандир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори қишлоқларда минизаводлар қурилиши, янги иш ўринлари яратишида муҳим омил бўлмоқда. Кўргазма-савдоларда фермерлар ўзлари истаган технологияларни ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилмоқда.

Шу кунларда мамлакатимиз агросаноат вакиллари 28-31 май кунлари пойтахтимизда ўтадиган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2013» VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2013» II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, бу тадбирлар замонавий техника ва технологияларни харид қилиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кўламини янада кенгайтириш, хорижлик ишбилармонлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имкониятдир.

Аввалги кўргазмаларда келишувга эришиб, қишлоқ саноатни олиб кирган фермер хўжаликлари бугун барқарор фаолият юритмоқда. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

– Хўжалигимизда сутни қайта ишлаш цехи ташкил этиб, 250 миллион сўмлик замонавий технология би-

ма-савдоларда дунёнинг қирқдан ортқ мамлакатидан юзлаб компаниялар иштирок этди. Кўргазмалар доирасида деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик корхоналарда қурилган, консервланган мева-сабзавот, гўшт-сут, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг самарасида 324 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб саккиз минг янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Фермерлар кенгашидан маълум қилишларича, 2012 йилда ўн мингдан зиёд фермер хўжалиги, агрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган кўргазмада 79,9 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган. Ишлаб чиқариш сифатини оширишдан бевосита манфаатдор бундай субъектларнинг қурилиш-қадоқлаш цехлари деҳқон маҳсулотининг қадрини ошириб, бозорларимизда нарх-навоми янада мўтадиллаштирмоқда. Хар йили тонналаб исроф бўлган маҳсулотлар қайта ишланиб, янги хизмат турлари ҳам шаклланимоқда.

– Пишиқчилик пайтида мева-сабзавотга талаб сусаяди, ортиган маҳсулотни эса узоқ сақлаб бўлмайди, – дейди ЎЗА муҳбирига Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги кўп тармоқли «Мусаллас» агрофирмаси директори Бахтиёр Шоймардонов. – Бундай пайтда маҳсулотни қайта ишлайдиган мини-технология кўл келади. Ҳозир қарийб 100 гектар майдонда узумдан юқори ҳосил олаётимиз. Айни пайтда ҳосилнинг бир қисmini қайта ишлаяпмиз. Пойтахтимизда ўтказиладиган халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоларда иштирок этиб, мева-узумни қайта ишловчи ихчам технология харид қилмоқчимиз.

Халқаро ихтисослаштирилган мини-технологиялар кўргазма-савдоси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг экспорт салоҳияти ўсишига ва қайта ишлаш корхоналари тармоғининг ривожланишига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

лан жиҳозладик, ўндан зиёд иш ўрни яратилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «Азамат» фермер хўжалиги раҳбари Байрамқилич Дадабоев. – Ҳозир кунига 800 литрга сутни қайта ишлаб, сарийғ, қаймоқ, творог ишлаб чиқаряпмиз. 35 бош туядан кунига 15-20 литрдан сут олиб, қайта ишлаб, қадоқланган ҳолда бозорга етказиб бераётимиз.

Анъанавий тарзда ўтказиладиган «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазмалари қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий мини-технологияларни кенг жалб қилиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2006-2012 йилларда ўтказилган мазкур кўргаз-

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЎЗ СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтказиладиган бундай тадбирлар албатта, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис кадр бўлиб етишиб чиқишига ва улар учун ишга жойлашиш имконини яратишга хизмат қилади.

Анъанавий касб тадбирларини республикамизнинг барча ҳудудларида, яъни Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 5 та филиалида, бундан ташқари ахборот технологиялари соҳасидаги касб-хунар коллежларида июнь ойида ҳам ўтказиш кўзда тутилган.

Зиёда РАСУЛОВА

Ислам Исмаилов олган суратлар



Мамлакатимизда олиб бориладиган ижтимоий ислохотлар замирида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла — юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир».

Оила давлат муҳофазасида бўлиши ҳақидаги қоида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да ҳам давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган бўлиб, у кенг маънога эга. Бунда оилани жамиятнинг бир бўғини сифатида, унинг дахлсизлигини таъминлаш, болаларга таълим ва тарбия бериш, оналар ва ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар яратиш ва оилани мустаҳкамлаш борасида шу каби йўлга қўйиш лозим бўлган муҳим масалалар назарда тутилади. Мамлакатимизнинг Бош Қомуси — Конституция ва унинг асосида қабул қилинган Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ҳам инсон манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимояси нуктаи назаридан, ёш оилалар ва унда вояга етadиган келажақ авлоднинг маънавий-моддий баркамоллиги кўзда тутилади. Зеро, келажақ авлод айнан оилада камол топади, ўзи тутилган ва вояга етган оиласи орқали дунёни танийди. Шу боис ҳам оиланинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши жамият ва давлат ривожига бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, ёш оила, оналик ва болалик муҳофазаси Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу муҳим масалага давлатимиз томонидан жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда. Бу ўринда, статистик рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, шаҳримизда ҳар йили 20 минг атрофида ёш (янги) оила вужудга келиб, ўртача 38 мингдан зиёд бола туғилади. Тошкент шаҳридаги оилаларнинг 35 фоиздан ортигини ёш оилалар ташкил этади.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган бўлиб, бу ёш узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳдан ўтишни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими томонидан қўли билан бир йилга қамайтирилиши мумкин. Айни пайтда эса ана шу никоҳ ёшининг бузилиши ҳолатлари келгусида қонунчиликда белгиланган никоҳ ёшидан эрта турмуш қурган оилалар ва улардан туғилган фарзандлар учун салбий оқибатлар келтириб чиқаришни инобатга олиб, 2013 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун жорий йилнинг 30 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 1 май кuni оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Мазкур Қонун билан киритилган муҳим қўшимча ва ўзгаришлардан бири бу — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланувчи 473-модда ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳам худди шундай «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳуж-

Тошкент шаҳрининг ўзида 2012 йилда 1.513 та кўп қаватли 2.249 та квартирага эга бўлган уйлар қурилган бўлса, 2013 йилда 722 та кўп қаватли 1.125 та квартирага эга бўлган уйлари қуриш ишлари олиб боришмоқда. 2012 йилнинг ўзида 2 минг 249 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагида 1.125 та квартира пойтахт аҳолисига фойдаланишга топширилган. Ана шундай уйлари сотиб олишда қўлай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатта мўлжалланган имтиёзли ипотека кредитлари бериб келинмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2012 йилда ана бир долзарб вазифа — аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобида жами 82 мингдан ортқ иш ўринлари яратилган бўлиб, шу жумладан, хотин-қизлар учун 39 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Йил давомида 17 мингдан ортқ ёшларнинг ишга жойлаштирилгани, 5.566 минг нафар ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

2013 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурида ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, ушбу Дастурга мувофиқ жорий йилда ёш оилаларга яшаш шaroитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортқ ипотека кредитлари берилиши, ҳар бир минтақада 50 тадан кам бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга никоҳ тўйларини ташкил этиш ва турмуш шaroитларини яхшилаш мақсадида ҳомийлик қўмақлари кўрсатиш назарда тутилган.

Муктафас қилиб айтганда, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ишлари йилдан йилга эътибор қўнайтириб келинмоқда. Бу борадаги ишларга доимий эътибор қаратилиши келгусида ёш оилалар турмуш шaroитларини яхшилашга имкон яратида, бу эса ўз навбатида мамлакатимиз тарқиқети ва фаровонлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Баҳодир ТАЙДЖАНОВ,
Миробод туман прокурори

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда, мамлакатимизда бизнес соҳаси, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга асосий сабаб эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишидир. Ҳозирги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини оширишда, балки давлатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётининг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришни таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини, албатта, чуқур аниқлаш», — деб алоҳида таъкидлашлари замирида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янги босқичга кўтариш кўзда тутилади.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жаллаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Яна таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилли сифатида мамлакат иқтисодиёти учун хизмат қилади.

Бугун юртимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи мазкур соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан кўпроги айнан шу секторда меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришда, шунингдек аҳоли турмуш даражасини ва даромадларини оширишда муҳим ўрин тутди.

Элдор ҚОДИРКУЛОВ,
Тошкент Давлат иқтисодий университети магистранти

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кунги кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари» бўйича доимий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш оромгоҳларининг ташкил этилиши, улардаги соғломлаштиришга оид спорт тўғрисидаги фаолияти ҳамда ёшларни спортга жалб этиш бўйича олиб борилиши кўзда тутилган ишлар муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари, намунали маҳалла фуқаролар йиғини раислари, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими вакиллари ҳамда доимий комиссия аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда кун тартибидagi биринчи масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2013 йил 22 май кuni «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»-ги 113-ф-сонли фармойиши қабул қилинган таъкидлаб ўтилиб, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган меҳр-мурувватга муҳтож бўлган, кам таъминланган оила фарзандларининг она-оналари билан умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳлар тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳлар ҳамда соғломлаштириш майдончаларининг фаолиятини йўлга қўйиш ва мавсумга тайёрлаш борасида тегишли ишларни мувофиқлаштириш, оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаларини педагог ходимлар билан таъминлаш, болалар кутубхонаси, маънавият ва маърифат хонаси, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган шароитларни яратиш, ишчи гуруҳ томонидан доимий мониторинг олиб бориш ишларини йўлга қўйиш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Бундан ташқари йиғилишда ёшларни спортга жалб этиш масаласи ҳам муҳокама этилиб, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда ўзаро ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таъкидлаш вақтидаги давлат ва жамоат ташкилотларига ўз иш режаларини қайтадан кўриб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар белгилаш тавсия этилди.

Доимий комиссия йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари» бўйича доимий комиссияси раиси С.Турабжанов, ушбу комиссия аъзолари Ш.Тошматов, Д.Исламова, А.Искандаров, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Бурхонов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Ф.Муҳаммаджўраев, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Ф.Иноятов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали вакиллари, намунали маҳалла фуқаролар йиғини раислари, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан доимий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

2013 йил — Обод турмуш йили

САЛОМАТЛИК ДАРСЛАРИ

«Оилада саломатлик» лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларда саломатлик дарслари ўтказилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акцияда талаба ва ўқувчилар фаол иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қорор топтириш, ёшларнинг ўз соғлиғига бўлган масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилётган бир қатор ижтимоий лойиҳалар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. «Оилада саломатлик» лойиҳаси доирасида таълимнинг барча бўғинларида ўтказилган «Саломатлик дарслари»дан қўзланган асосий мақсад ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи борасида зарурий қўнимчаларни шакллантириш, уларнинг билимини янада бойитишдан иборатдир.

Шифокорлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирокида интерфаол шаклда ўтказилган мазкур дарсларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид видеоорликлар, ижтимоий видеолархалар намойиш этилди. Инсон учун саломатлик энг олий бойлик экани ҳақидаги гоғий ёшлар онгига етказишга оид буклетлар тарқатилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкентда «Дастлабки тергов ва суд жараёнида экспертиза ўтказишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

ОДИЛ СУДЛОВ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

Тергов органлари ва судлар фаолиятида жиноятларни фош қилиш ҳамда одил судловни амалга оширишда илим-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу борада суд экспертизаси муҳим ўрин тутди. Унинг ҳолиси ва аниқ хулосаси асосида жиноят содир этганлигида гумон қилинаётган шахсларнинг айби ёки айбисизлиги исботланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги суд-тиббий экспертиза марказлари мутахассислари, ҳудудий адлия, суд бошқармалари, прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари иштирокида ўтган ишбу анжуманда суд экспертизаси соҳасида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг ўринбосари Қ.Тоғаев ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислоҳот Каримов раҳнамолигида суд экспертизасини ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор қаратилаётгани юксак самара бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилнинг 1 июнида қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда суд экспертизасини изчил ривожлантириш, экспертиза тадқиқотларини жаҳон стандартларига мувофиқ ўтказишга хизмат қилмоқда.

Буни Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда марказ таркибига криминалистика, муҳандислик-техника, иктисодий, фонографик ҳамда интисон ДНКси биологик экспертизасини ўтказадиган лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан марказда ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қийматини эксперт баҳолаш, ташқи савдо фаолиятининг суд-иктисодий экспертизаси, экологик экспертиза, сибсатшунослик-лингвистик экспертиза, суд-филологик экспертиза каби яна олтига янги турдаги тадқиқотни жорий этиш кутилмоқда.

Анжуманда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш, экспертиза ўтказишда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларига, суд экспертизаси соҳасидаги генетика ютуқларига риоя этишга оид маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

Анжуманлар

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ КАДРЛАР — КЕЛАЖАК НЕГИЗИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида «Юксак маънавиятли кадрларни тайёрлаш — буюк келажак пойдевори» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва туманлар Маънавият тарғибот марказлари раҳбарлари, пойтахтда жойлашган барча олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад, олий таълим муассасаларининг маънавий-

маърифий ишлар бўйича проректорлари фаолияти самарадорлигини, таълим тизими ва маънавият соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг билимлари ва тажрибасини ошириш, тизимни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ҳамда келажак пойдевори бўлган талаба-ёшларимизни ҳозирги кунда долзарб масалага айланаётган турли ёт гоа ва дунёқа-

рашлардан ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Кун тартибидagi масалалар бўйича, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳот Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмунидан келиб чиқадиган вазифалар ва бу борада қабул қилинган қонунлар, «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятига салбий таъсир этувчи «оммавий маданият» ва ғоявий таҳдидларнинг турли кўринишлари бўйича олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари маъруза қилдилар. Маърузачилар томонидан ҳар бир мавзу чуқур таҳлил этилиб, мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилди.

Тадбир очик мулоқот ва баҳс-мунозара тарзида бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Кўргазмалар

УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАСИ

Яқинда таниқли мусаввир Рустам Худойбергановнинг педагогик фаолиятининг 20 йиллигига бағишланган «Устоз ва шогирд» бадий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий акадemiaси Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи расом устоз ва унинг шогирдлари санъат ихлосмандларига ўз асарларини тақдим этиди.

Рустам Худойберганов 1970 йилда Тошкент Давлат педагогика институти бадий графика факультетини тугатган. 1972 – 1975 йиллари Украинадаги Харьков номли Бадий санъат институтида ўқиган ва 1979 йили театр ва расомчилик институтига маҳаббатли рангтасвир йўналиши бўйича тугатиб, ўз ижодий фаолиятини ёшларга таълим беришга бағишлади.

Рустам Худойберганов педагогик амалиётдан

ташқари, маҳоратли расом ва кўп қиррали ижодкор ҳамдир. Унинг мону-ментал асарлари Россия, Тожикистон, Туркменистон каби чет давлатлар ва Термиз, Урганч шаҳарларидаги биноларни беэаб турибди. Расом Югославия, Малайзия, Сингапур, Германия, Миср Араб Республикаси, Туркия, Хитой, Хиндистон каби мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган.

Расомнинг бугунги кунга қадар чизган асарларининг кўпчилиги халқимизнинг эътиборига тушган. «Амур Темур портрети», «Бобур», «Жалолиддин Мангуберди», «Султон Абдусайд мирзо», «Тумарис»,

«Феруз портрети», «Спитамен», «Момо», «Ҳожар хола», «Отам портрети» ва «Асло таслим бўлмаймиз» шулар жумласидандир.

20 йил мобайнида расом талабаларини мавзу ва сюжет танлашда чегараламасликка ўргатиб, уларга ижодий эркинлик бериб, санъатга бўлган меҳрларини янада илҳомлантирган.

Шуниси қувонарлики, шогирдлари расомнинг хусусиятларини кўр-кўрона ўзлаштирмаганлар, аксинча ўз йўналишига эга расомлар бўлиб этишганлар. Жумладан, Алишер Ҳамдамов реалистик йўналишдаги манзарани ўзига мавзу қилган, Алишер Аликулов академик рангтасвирдан

воз кечмаган ҳолда, тарихий жанрни танлаган.

Улардан фарқли ўларок, Екатерина Ляпина ва Анастасия Никитиналарнинг асарлари авангард услубида ишланган бўлиб, ранг ва композицион ечимлари, шунингдек асарга концепция танлашда бошқалардан фарқ қилади.

Бундан ташқари ёш расом Дониёр Соҳибов ёрқин палитраси, композицион ечимининг ўзига ҳослиги ва ўз дунёқараши билан ажралиб туради.

Расом Рустам Худойбергановнинг шогирдлари ёш бўлишига қарамай уларнинг кўпчилигининг шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган ва Ўзбекистон тасвирий санъатида ўз ўрнига эга расомлардир. Алишер Аликулов Ўзбекистон Бадий академияси олтин медали совриндори. Арт – Трио вакили Мурод Азларходжаевнинг асарлари республика ва халқаро кўргазмаларда кўп мартаба намойиш этилган.

Ушбу кўргазма устоз ва унинг шогирдлари ижодларида эришган ютуқлари ҳисоботи. Кўргазмада 100 дан ортиқ рангтасвир ва графика асарлари ўрин олди ва келган меҳмонларга жуда манзур бўлди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат



Божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш, божхона назорати бўйича халқаро амалиётда қабул қилинган замонавий услубларни жорий этиш соҳа мутахассислари малакасини оширишга кўмаклашмоқда. Бугун божхоначилар олдига пухта касбий билим ва кўникмаларга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлиш каби талаблар қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда соҳанинг масъул ходимлари, Олий ҳарбий божхона институтининг профессор ва ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи, божхона хизмати полковниги Соҳиб Абдухалилов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислоҳот Каримов ташаббуси билан янги муҳим давлат институтлари тузилиб, мавжудларни қайта ташкил этилганини таъкидлади. Бу, жумладан божхона хизмати институтига ҳам тааллуқлидир. Ушбу йўналишда нафақат соҳа инфратузилмасини ри-

Қарор ва ижро

БОЖХОНАЧИЛАР БИЛИМ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРМОҚДА

вожлантириш, балки божхона органлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур вазифани бу соҳада Марказий Осиёда ягона ихтисослаштирилган олий ўқув юрти – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти муваффақиятли ҳал этмоқда. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган мазкур олий ўқув юрти зарур илмий салоҳият ва замонавий моддий-техника базасига эгадир.

Айни пайтда бу ерда икки факультет – божхона иши ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Тингловчилар фанларни чуқур эгаллаш учун барча шарт-шароитлар яратилган ўн битта кафедрани соҳанинг асосий йўналишлари бўйича билим олмоқда. «Божхона иши» факультетида ўқиш тўрт йил бўлиб, тингловчилар уни тамомлашга, олий маълумот тўғрисида диплом, божхона хизмати лейтенанти унвонини олади ҳамда ҳудудий божхона органлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат қилиш учун ишга юборилади. Иккинчи факультет соҳа ходимларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш учун база ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили божхона органларининг қарийб 700 нафар ходими ўқимоқда. Бундан ташқари, институтда меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда ўз билимини ошириш имконини берадиган масофадан туриб ўқитиш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Ўқув жараёни ўқитишнинг интерфасоли услублари ва техника воситаларини кенг қўллаш, ўқув конференциялари, бевосита божхона органларида машғулотлар ўтказиш, семинар-мунозаралар уюштиришни ўз ичига олади. Айниқса, чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса амалий иш жараёнида катта аҳамиятга эгадир. Институтда ихтисослаштирилган аудиториялар ва лабораториялар, йўловчи ташиш поездлари, автобуслар ва юк машиналарини божхона назоратидан ўтказиш бўйича ўқув майдони мавжуд. Бу тингловчиларнинг рентген-аппаратлар, гиёҳванд моддаларни идентификация қилиш ва радиация назорати воситалари, мураккаб текширув оптикиси каби замонавий техникалар билан ишлаш кўникмаларини эгаллашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Матбуот анжуманида барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Диққат, танлов!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ёшларни янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдек улғу мақсад йўлида жипслаштириш, миллий истиқлол ғоясига таянган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрловчи баркамол авлодни тарбиялаш, уларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустақамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллиги ва ижодий маҳоратини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида танлов эълон қилинмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши, «Тошкент» телерадиоканали ДУК, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятлари ҳамкорлигида матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет журналистикаси йўналишлари бўйича пойтахтдаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда тахририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» кўрик-танлови ўтказилади.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2013 йилнинг 1 январидан 10 июнгача эълон қилинган бўлиши лозим. Улар жорий йилнинг 15 июнигача «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши биносига танловнинг шаҳар ҳайъати котибатида қабул қилинади.

Ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги, радио ва телевидение материалларига қисқа аннотация илова қилинган ҳолда, CD, DVD дискларда тақдим қилиниши талаб этилади. Шунингдек, муаллифнинг паспорти нусхаси, тахририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома, 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат ҳам топширилиши лозим.

Танлов ғолиблари жорий йилнинг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни эълон қилинади ва таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

UCHTERA AVTOSAVDO
Ma'suliyati cheklangan Jamiyat

"UCHTERA-AVTOSAVDO" МЧЖ "GM UZBEKISTAN" "ЁАЖДа ишлаб чиқарилган" кўйидаги турдаги автомобиллар учун 2013 йилга шартнома тузиш мумкинлигини маълум қилади:

автомат коробкали "ААСЕТТИ"
автомат коробкали "КАПТИВА"
3 ва 4 позициядаги "КОБААЛТ"
автомат коробкали "МААНБУ"

Шартнома тузиш масалалари бўйича кўйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
31-мавзе, Ўқитон кўчаси, 8В уй.
Телефон: 270-68-58.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва кадастр бошқармаси томонидан Учтепа тумани, Изза кўчаси, 372-уйда яшовчи Дадашева Карима Фазиловна номига 2013 йил 22 майда берилган № 2403 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей томонидан 2011 йилда Журабаев Абдоржон Алимжон ўғли номига берилган L № 126865 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 255-сонли ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Раҳимджонова Нигора Атахомнова номига берилган А№ 424506 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Махмур кўчаси, 35-уйда яшовчи Эгамназарова Мавжуда Максудовна номига Давлат кадастр бошқармаси томонидан 2010 йил 20 апрелда берилган 1243 сонли мерос учун маълумотнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Анжуманлар

ЎЗГИ ТАЪТИЛ
МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жихатдан етук инсон бўлиб камол топишига эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, келажак авлоди жисмонан соғлом, билимли, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган юртгина албатта кудратли давлатга айланади.

Мана, 2012-2013 йилги ўқув мавсуми ўз якунига етиб, болалар ёзги таътилни ҳам бошлашди. Улар таътилни мароқли дам олиб ўтказишлари учун пойтахтимизда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига биноан болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли дам олдиришни ташкил этиш бўйича семинар-кенгаш ташкил этилди.

Унда тасарруфиди болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган касаба уюшмалари кўмиталари раислари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари, ёнгин хавфсизлиги хизмати бошқармаси вакиллари, йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати ходимлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раислари, катта тарбиячи ва етакчилар ҳамда «Маънавият ва маърифат» хоналари раҳбарлари иштирок этишди.

Мазкур семинардан қўланган мақсад Республика-мизда ўқувчиларнинг ёзги таътил пайтида дам олишни ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг кенгайтирилган мажлиси баёни қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдир.

– Ўтган 2012 йилда болаларнинг ёзги оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштириш юзасидан режалаштирилган ишлар 102 фоизга бажарилди, – дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маданий-маърифий ишлар бўлими мудир Ирода Ҳикматова. – Жорий йилги мавсумда Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари қошида 36 та кундузги ва 22 та стационар оромгоҳлар фаолият юритади. Уларга жами қирқ минг нафардан зиёд болалар таъриф буюриши кўзда тутилган бўлиб, шундан қариб икки минг нафари Оролбўйи меҳнаткашларининг фарзандларидан иборат. Уларнинг Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, бу йилги мавсумда болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда ҳамда тарбиявий ишларнинг мазмунидан келиб чиқиб, спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари, меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари, ҳарбий-спорт оромгоҳлари, экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари, ихтисослашган болалар оромгоҳлари каби йўналишларда оромгоҳлар фаолият олиб боради.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг дам олишида, соғлигини мустаҳкамлашда, маданий-маърифий ишларни ушшоқлик билан олиб боришда, давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини уларнинг онгига етказишда, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топишида оромгоҳлар амалий-услубий ёрдам беради.

Абдуалим САЛИМОВ



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Шахмат

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Греция ва Филиппинда ўтаётган мусобақаларда халқаро гроссмейстерларимиз Рустам Қосимжонов ва Марат Жумаев мағлубиятсиз ўйнамоқда.

Салоники шаҳрида давом этаётган ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи иккинчи турида Рустам Қосимжонов Франция чемпиони Этьен Бакрога қарши қора доналарда ўйнади ва 35-юришдан сўнг дурангга эришди. Бир ярим очко тўплаган Р.Қосимжонов навбатдаги учрашувини жаҳон шахмат олимпиадасининг уч қарра ғолиби россиялик Александр Морозевичга қарши ўтказди.

Яна бир гроссмейстеримиз Марат Жумаев ҳам Манила шаҳрида давом этаётган Осиё чемпионатида муваффақият-ли иштирок этмоқда.

Саксон нафарга яқин шахматчи билан рақобатлашаётган ҳамюртимиз олтинчи тур учрашувиди оқ доналарда мўғулистонлик гроссмейстер Цегмет Батчулуун устидан зафар кўчди. Тўрт ярим очко билан пешқадамлар сафиди бораётган Марат Жумаевнинг очколари сони биринчи ўринни эгаллаб турган филиппинлик Марк Парагуаникидан ярим очко кам. Шахматчимиз навбатдаги ўйинда меҳмонлар вакили Жон Пол Гомесга қарши донна суради.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Тадбирлар

БОЛАЖОНЛАРНИНГ
ҚИЗИҚАРЛИ ИЖОД
НАМУНАЛАРИ

Ҳамза туманида жойлашган «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказига қарашли «Кўзумчоқ» мусиқа ва рақс ансамбли томонидан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Кўзумчоқ» саёҳатлари» номли ҳисобот-хайрия концерти ўтказилди.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган ушбу концертда ансамблнинг жажжи аъзолари билан биргаллик таниқли кўшиқчилар, халқимизнинг сеvimли кино юлдузлари ҳамда кўпгина мусиқали гуруҳлар ўзларининг бетақрор куй-кўшиқлари, кизикарли сахна кўринишлари,

дилтортар мусиқавий ижод намуна-лари билан иштирок этишди. Айниқса, «Нихол» мукофоти совриндорлари, хушовоз хонанда Собиржон Мўминов, «Сурхон» гуруҳи, «Шод» ҳамда «Зарб» гуруҳларининг кўшиқлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Шунингдек, «Кўзумчоқ» мусиқа ва рақс ансамблининг ёш яқкаҳон ижрочиларининг чиқишлари ҳам барчаннинг олқишига сазовор бўлди. Жумладан, эндигина етти ёшга тўлган Севинчхон Жавлиева ва Кумушхон Эргашеваларнинг, қолаверса, Лазизхон Акрамов (9 ёш), Зулфия Исомова (10 ёш), Хожиакбар Садиржонов (11 ёш) ларнинг болаларча ўзига хос услубда ижро этган кўшиқлари ҳамда бетақрор рақслари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Уларнинг устозларини суҳбатга торганимизда бу жажжи болаларнинг истеъдоди йил сайин юксалиб бораётгани, ҳатто юртимиз ва хорижий мамлакатлардаги нуфузли танловларда иштирок этиб, юқори натижаларни эгаллаб қайтаётганликлари фахр билан таъкидлашди.

Концерт сўнгиди барча болажонларга ташкилотчилар томонидан эс-далик совғалари топширилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
Бекзод САМАНДАРОВ,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабалари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ҚИБРАЙ”

клиник санаторийсиди саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир. Бу ерда тажрибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усулларини жорий қилиб, беморларни даволайдилар.

Сўхатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби кўплаб қўлайликлар мавжуд. Ошхонада беш маҳал пархез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўргони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус еки 135-йўналишли таксиди «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2011 йил 20 январда №004990 рақами билан рўйхатдан ўтган «GAYRATBEK INFORMATION SYSTEMS» (ИНН 207108074) МЧЖ тугатилди. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомиди 989-88-42 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 7-мавзе, 29-уй, 16-хонадонда яшовчи Абдуллаев Илёс Султанович номига берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида инсон саломатлиги, руҳияти, камолотига қаттиқ зарба берувчи гиёҳвандлик бугунги кундаги ўта долзарб муаммолардан биридир. Шу боис ҳам республикамизда бу муаммо нафақат тиббиётнинг, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида турибди.

Чунончи, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1999 йил 19 сентябрда қабул қилинган бўлиб, унга кўра гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – бу гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибиди гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлардир. Психотроп моддалар эса психотроп моддалар рўйхатига киритилган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалардир.

Гиёҳвандлик деб, гиёҳванд моддаларни узлуксиз истеъмол қилиб, касалликлари чалинган беморларга айтилади. Улар ўзларининг маънавий қиёфасини йўқотади, ақл-идрок, фикрлаш, эслаш қобилияти, руҳияти бутунлай издан чиқади. Уларда хаё, ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат кабилар йўқолади, жамиятдан ажралиб қолади. Касаллик ривожланиши билан улар оила, ишхона, маҳалла, кўча-кўйда, ўқув жойларида тартиб-интизом, қонун-қоидаларни бузишни бошлаб, катта зиён келтиридилар.

Гиёҳвандлик – инсон шахси ва руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига, шунингдек, тана ички аъзолари фаолиятининг жиддий зарарланишига

олиб келади. Гиёҳвандлик наркотик хусусиятига эга бўлган ва қонун билан тақиқланган кимёвий наркотик моддаларни ёки дори-дармонларни истеъмол қилиш натижасида ҳам шаклланади.

Гиёҳвандлик – дунё миқёсида XX асрдан XXI асрга ўтган сарқит,


ГИЁҲВАНДЛИК — ЖАМИЯТ
УЧУН ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

иллат, фожиа бўлиб, нафақат киши шахсини, балки бутун мамлакатни, оилани емиради, ҳалокат жари ёқасига олиб бориб, қашшоқликка, етим-есирликка, бахтсизликка, турли касалликларга сабаб бўлади.

Гиёҳвандликни бартараф этиш учун қонунда бу иллатга қарши тегишли жавобгарлик чоралари ҳам белгиланган, жумладан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида (XIX боб) ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (56-модда) тегишлича жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган.

ларидек, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Шунинг учун ҳам соғлом ҳаёт тарзи учун курашни, шу жумладан гиёҳвандликка қарши курашни аввало, ўзимиздан ва атрофимиздаги инсонлардан бошлашимиз керак. Шу боис, ҳар қандай шароитда ҳам ўз соғлиғимизга ўзимиз эътибор берган ҳолда, ёшларимизнинг захри қотилдан воз кечиши учун барча сазой-ҳаракатларни фаоллаштиришимиз лозим. Ана шундагина келажги буюк давлатнинг соғлом ворисларини камол топтиришимиз мумкин.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги
6-сон давлат нотариал
идорасининг
нотариуси

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Мард гап ташимайди.

* * *

Қилинган меҳнат зое кетмайди.

* * *

Бу дунёда топганига шуқр қилган киши бахтли.

* * *

Баъзилар ибрат учун яратилган.

* * *

Ношуқр одам нодондир.

* * *

Ҳамма ҳам ўзини яхши кўрсатгиси келади.

* * *

Ортга сурилган иш кўпинча қолиб кетади.

* * *

Ҳаётдан орқада қолганнинг ҳолига вой.

* * *

Меҳнатдан қочмаган ютади.

* * *

Пул ҳисоб-китобни яхши кўради.

* * *

Ҳаддан зиёд меҳр ҳам болани бузади.

* * *

Айтганини муҳайё қилаверсангиз, бола худбин бўлиб ўсади.

* * *

Норози бўлиб берса буюрмайди.

* * *

Ҳаракатсизлик одамни қаритади.

* * *

Ҳаётнинг ўзи ҳамма нарсани жой-жойига қўяди.

* * *

Меъёридан ортиқни хоҳлаган ҳеч нарсага эришолмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 29 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамаол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 29 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазл кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



1258 2010-2020

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нам кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
11938 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахрират,компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ